

“Ректор кубоги” учун спорт мусобақалари



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида факультетлар ўртасида “беш муҳим ташаббус” доирасида “Ректор кубоги” учун футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашака, кураш ва арқон тортиш бўйича мусобақалар ўтказилди.



Ушбу мусобақаларда спортнинг волейбол тури бўйича ўғил болалар ўртасида ўтказилган беллашувларда институтнинг Кино, телевидение ва радио санъати факультети талабалари фахрли 1-ўрин, Театр санъати факультети талабалари 2- ўрин, Халқ ижодиёти факультети талабалари эса 3- ўринга сазавор бўлишди.

Қизлар ўртасида волейбол бўйича ўтказилган мусобақаларда Кутубхона-ахборот фаолияти факультети талабалари 1-ўрин, Халқ ижодиёти факультети жамоаси 2- ўрин соҳиби бўлишди.

Спортнинг баскетбол бўйича бўлиб ўтган мурасимиз беллашувлар якунига кўра, Халқ ижодиёти факультети талабалари 1- ўринни қўлга киритишди.

Футбол мусобақаси ҳам қизғин беллашувлар остида кечди. Унда Театр санъати факультети талабалари 1-ўрин, Халқ ижодиёти факультети талабалари 2-ўрин, Кино, телевидение ва радио санъати факультети талабалари эса 3-ўринни эгаллашди.



Ўғил болалар ўртасида стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақада Театр санъати факультети талабаси Қосимов Мираббос барча рақибларини ортда қолдириб, 1-ўринни эгаллади. Халқ ижодиёти факультети талабаси Тожиматов Ботиржон 2-ўрин, ҳамда Кутубхона-ахборот фаолияти факультети талабаси Шамсиддинов Исоқжон 3-ўринни банд этди.

Шунингдек, қизлар ўртасида ўтказилган теннис бўйича беллашувларда Кутубхона-ахборот фаолияти факультети талабалари рақиб жамоани доғда қолдириб, 1-ўринни эгаллашди. Кино, телевидение ва радио санъати факультети 3-курс талабаси

Нурмухаммедова Ирода 2 – ўринни қўлга киритди. Халқ ижодиёти факультети талабаси Холмедова Азиза 3- ўринни эгаллади.

Шахмат бўйича ўғил болалар ўртасида ўтказилган мусобақада Халқ ижодиёти факультети талабаси Раимбердиев Сарвар Улуғбек ўғли 1- ўрин, Кино, телевидение ва радио санъати факультети 3-курс талабаси Шомуродов Жўрабек Анвар Анвар ўғли 2- ўрин, ҳамда Театр санъати факультети 1- курс талабаси Ааматов Оғабек Ўткирбек ўғли 3- ўринни эгаллади.



Шахмат бўйича қизлар ўртасида кечган беллашувларда Кутубхона-ахборот фаолияти факультети талабаси Акромов Азиза Асрор қизи 1- ўрин, Кино, телеведение ва радио санъати факультети талабаси Сафарова Зумрад Илҳом қизи 2- ўринни банд этди.

Шашка бўйича ўғил болалар ўртасида ўтказилган мусобақада Халқ ижодиёти факультети 1- курс талабаси Турғунов Бунёдjon

Абдюсуф ўғли 1-ўрин, Театр санъати факультети талабаси Усанов Азизбек ўғли 2- ўрин ва Кино, телевидение ва радио санъати факультети талабаси Файзуллаев Толиб Ғолиб ўғли 3-ўринни эгаллади.

Шашка бўйича қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда эса Кутубхона-ахборот фаолияти факультети талабаси Эргашева Саида Алижон қизи 1- ўрин, Кино, телевидение ва радио санъати факультети 1-курс талабаси Исламова Фотима Иззат қизи 2 – ўринга мувоффақ бўлди.



Спортнинг арқон тортиш турида Халқ ижодиёти факультети талаблари 1-ўрин, Театр санъати факультети жамоаси эса 2-ўринни эгаллади.



Кураш бўйича ўтган беллашувларда 55 кг вазнда Халқ ижодиёти факультети 1- курс талабаси Зайниддин Отабеков рақиблари устидан устунлигини яна бир бор намоиш этиб, 1- ўринни қўлга киритди. 75 кг вазн тоифасида ўтган беллашувда эса Театр санъати факультети талабаси Хамроев Рустамга тенг келадиган рақиб топилмади. Натижада у ўз вазн тоифасидагилардан устунлигини яққол намоён этиб, 1- ўринни эгаллади.

Матбуот котиби